

*Сиддиков Алишер Журакулович,  
Ўзбекистон Республикаси Давлат  
статистика қўмитаси ҳузуридаги  
Кадрлар малакасини ошириш ва  
статистик тадқиқотлар институти  
кафедра мудири, и.ф.н., доцент*

## **ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ: МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАР, ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ**

*Мақолада халқаро миқёсда қиёсий таҳлил қилишининг методологик асослари келтирилган, дунё мамлакатларининг иқтисодий тараққиёт даражаси солиштирилган ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.*

*В статье представлены методологические основы международного сопоставительного анализа, сопоставлен уровень экономического развития стран мира и разработаны научно-практические предложения по повышению статуса Узбекистана в мировом сообществе.*

*The article presents the methodological foundations of international comparative analysis, compares the level of economic development of the countries of the world and develops scientific and practical proposals to improve the status of Uzbekistan in the world community.*

Ҳар қандай давлатнинг жорий ва потенциал иқтисодий имкониятлари унинг аҳолиси сони ва мамлакат ҳудуди ҳажми билан белгиланади. Биринчи омил, бир томондан, миллий иқтисодиётнинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ҳолатини ифода этса, иккинчи томондан, аҳоли даромадларининг жамланган умумий миқдори орқали якуний талаб ҳажмини, шунингдек, ички бозор масштабини кўрсатиб беради. Иккинчи омил эса, миллий иқтисодиётни кўп томонлама ривожлантириш, хусусан, саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги майдонларини кенгайтириш, ўрмон, балиқ ва чорвачилик хўжалигини тараққий эттириш, минерал хом-ашё ва углеводород ресурслари конларини ўзлаштириш ҳамда бошқа имкониятларни яратади. Мамлакат ҳудудининг жойлашиш ўрни эса, унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув имкониятларини ва геосиёсий ҳолатини ҳам белгилаб беради.

Аммо, юқорида келтирилган кўрсаткичлар мамлакатнинг хўжалик фаолияти ҳақида умумий ҳолатни тавсифлай олмайди. Муайян мамлакат, минтақа ёки умуман жаҳон иқтисодиётининг молия-хўжалик натижаларини

умумий тавсифлаш учун жамланган (қиймат, умумлаштирилган) иқтисодий кўрсаткичлар қўлланилади.

Иқтисодий фаолият натижаларини умумлаштирувчи статистик кўрсаткичлар миллий ва ҳудудий тамойиллар (территориал принцип) бўйича шакллантирилади. Таъкидлаш лозимки, дунё мамлакатларининг иқтисодий фаолият натижаларини умумлаштирувчи статистик индикаторлар – ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичлари, халқаро қиёсий таҳлиллар амалиётининг асоси сифатида қайд этилган.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – бу миллий хўжалик бирликларининг каерда (ўз мамлакатада ёки хорижда) фаолият юритишидан қатъий назар улар томонидан яратилган барча даромадларнинг умумий қиймати ҳисобланади.

ЯИМ – муайян чегаралар доирасида географик жойлашувга эга ҳудуд ичида барча омилар (фойдаланилган омиларнинг кимга (қайси давлатга) тааллуқли бўлишидан қатъий назар) иштирокида ишлаб чиқарилган пировард товар ва хизматларнинг умумий қиймати ҳисобланади. ЯИМ нафақат ишлаб чиқариш усулида ҳисоблашнинг юқоридаги ёндашув, балки муайян мамлакатда фаолият юритувчи иқтисодий субъектлар томонидан ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ҳажмидан уни ишлаб чиқариш учун кетган харажатларни (оралиқ маҳсулотни) чегириб ташлаш орқали яратилган қўшилган қийматлар йиғиндиси шаклида ҳам аниқланади.

ЯИМни ҳисоблашнинг яна бир йўли харажатлар усули бўлиб, у уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари, давлат харажатлари, инвестициялар ва соф экспорт қиймати йиғиндисидан иборат. Қайд этиш жоизки, жаҳон амалиётида айнан харажатлар усулида ҳисобланган ЯИМ ҳажми ўзаро қиёсланади.

Мамлакатлар бўйича қиймат кўринишидаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилининг амалга ошириш улар ягона валюта бирлигига келтирилишини тақозо этади. Бунда мамлакатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари дунёда етакчи ҳисобланмиш мамлакат – Америка Қўшма Штатлари миллий валютаси, АҚШ долларига келтирилади. Бундан ташқари халқаро валюта фонди томонидан ишлаб чиқилган қарз олишнинг махсус ҳуқуқи SDR (ингл. *Special Drawing Rights*, SDRs) тўлов маблағи орқали ҳам дунё миқёсида солиштирилаётган мамлакатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари қиёсланиши амалиётда кўп учрайди. SDR жаҳон иқтисодиётида ўз нуфузига эга бир нечта ривожланган мамлакатлар пул бирликлари, хусусан, АҚШ доллари (41.73%), евро (30.93%), Хитой юани (10.92%), иена (8.33%) ва фунт стерлинг (8.09%) асосида ҳисобланади.

Шу билан бирга, жаҳоннинг маълум бир ҳудудларида муайян бир пул бирликларидан фойдаланиб, қиёсий таҳлилни амалга ошириш амалиёти ҳам мавжуд. Масалан, Европа қитъаси мамлакатлари ўртасида амалга оширилган

иқтисодий таҳлилларда - евро, МДҲ мамлакатларида эса, Россия рубли пул бирлигидан фойдаланилади.

Халқаро қиёслаш дастури доирасида макроиқтисодий кўрсаткичлари солиштирилаётган мамлакатларнинг миллий пул birlikлари (валюталари) конвертацияси *бозор алмашинув курси* базасида ҳамда валютанинг *харид қилиш паритети* негизида амалга оширилади.

Жаҳон иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусида қиёсий маълумотларга эга бўлиш учун биринчи усулдан кенг фойдаланилади. Унинг асосида жаҳон ялпи ички маҳсулоти ва дунё мамлакатлари ЯИМнинг йиллик натижалари шакллантирилади.

Аммо, миллий валюталарнинг алмашинув курси, мамлакатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари, хусусан, ҳисоб-китоб қилинадиган ЯИМнинг баҳолар нисбатини аниқ ифода қилай олмайдилар.

Шунинг учун қиёсий баҳолардаги миллий тафовутларни инобатга олиш имконини берадиган, жаҳон мамлакатларининг ЯИМларини валютанинг харид қилиш паритети асосида солиштирма таҳлил қилиш усули жаҳон амалиётида мақсадга мувофиқ деб топилган.

Мисол учун, Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида бир хил товар ва хизматлар гуруҳи бўйича нарх даражаларини қиёслаш хусусида гап кетганида валютанинг харид қилиш паритети муҳим аҳамият касб этади. Валютанинг харид қилиш паритети – АҚШда 1 долларга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматларнинг Ўзбекистонда худди шундай сифатга эга бўлган маҳсулотни харид қилиш учун зарур миллий пул birlikидаги (сўмдаги) қийматини англатади. Масалан, Нью-Йоркдаги бутерброд 2 долл., Тошкентда эса 10000 сўм турса, унда бутерброд курси 1 доллар учун 5000 сўмга тенг бўлади. Нью-Йорк метросида ҳаракатланиш нархи 2.5 доллар, Тошкент метросининг нархи 1400 сўм турса, унда метрополитен курси 1 доллар учун 560 сўмга тенгдир. Агар муайян конфигурациядаги компьютер АҚШ да 1000 доллар турса, Ўзбекистонда унинг нархи 6 млн. сўмга тенг бўлса, унда сўмнинг “компьютер” курси 1 доллар учун 6 минг сўм нисбатида аниқланади. Айтиш керакки, агрегатлаштирилган кўрсаткичлар ҳам худди шундай моҳиятга эга бўладилар.

Валютанинг таққослама курсини товар ва хизматлар курси ёрдамида аниқлаш икки стандарт истеъмол саватчаси, яъни, типик америкалик ва ўзбекистонлик истеъмолчи харид қиладиган маҳсулотлар жамланмаси орқали амалга оширилишини тақозо этади.

Солиштириладиган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган ёки истеъмол қилинадиган барча товар ва хизматларнинг нархлари бўйича ҳисоб-китобни амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан мантиқсиз эканлигини назарда тутиб, миллий ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар учун характерли бўлган истеъмол саватчаси қийматлари қиёсланади. Масалан, америкалик ва ўзбекистонлик оддий фуқаролар истеъмолидаги муайян миқдордаги маҳсулотларнинг (айтайлик, 150-200 та товар ва хизматлар жамланмаси

бўйича) ички нархлари солиштирилиши асосида валюталарнинг реал курси ҳисобланади.

Айтиш жоизки, дунё малакатлари бўйича ЯИМларни валюталарнинг харид қилиш паритети бўйича давлатлараро қиёслаш вақти-вақти билан ўтказилиб турилади. Дастлаб у БМТ ташаббуси билан халқаро қиёслаш дастури доирасида 1970 йил маълумотлари асосида амалга оширилди. Кейинчалик халқаро қиёсий таҳлил 1973, 1975, 1980, 1990, 1993, 2005, 2011, 2017 йилларда қатнашчилар сонининг ошиб бориши негизида кечди. Агар 1973 йилда халқаро қиёсий таҳлилда 8 та мамлакат қатнашган бўлса, 2005 йилда 146, 2017 йилда 175 та давлат иштирок этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти статистика комиссиясининг 50-сессияси қарорига асосан 2020 йилда ҳам халқаро қиёслаш дастурини амалга ошириш назарда тутилган эди. Бироқ, глобал коронавирус пандемияси давридаги кўрсаткичларни солиштириш аниқ қиёсий маълумотларни бермаслиги сабабли, мазкур дастур 2021 йилга қолдирилди.

Қиёсий таҳлилда ЯИМнинг бир нечта кўринишдаги ҳолатлари ифода қилинади. Булар:

- жорий нархларда баҳоланган абсолют миқдордаги номинал ЯИМ;
- мамлакатда ишлаб чиқарилган якуний маҳсулотларнинг баҳолар таъсирисиз ҳолатини ифода этувчи, яъни инфляция даражаси чегириб ташланган реал ЯИМ;
- аҳоли жон бошига тўғри келадиган номинал ва реал ЯИМ;
- валютанинг харид қилиш паритети бўйича мамлакат ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келган номинал ЯИМ қиймати.

Жаҳон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим тавсифи дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилган пировард товар ва хизматларнинг умумий миқдори, яъни, бутундунё ЯИМ ҳажмининг муайян мамлакатлар доирасида концентрациялашувидир. Агар 1950 йилда дунё ЯИМнинг ярми 4 та мамлакатда (АҚШ, Собик Иттифок, Германия ва Франция) яратилган бўлса, XX аср охирида эса 6 та давлатда (АҚШ, ХХР, Япония, Германия, Ҳиндистон ва Франция) ишлаб чиқарилган. 2018 йил маълумотларига асосан АҚШ, ХХР, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция ва Ҳиндистон давлатларининг ЯИМи ҳажми дунё ЯИМининг ярмидан ортиқроғини (51.4%) ташкил этди. Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, йилдан йил бутундунё ЯИМнинг концентрациялашув даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлиб, динамик ўзгаришда ижобий кўриниш касб этмоқда.

Қайд этиш жоизки, узоқ йиллар давомида дунё мамлакатлари ичида АҚШ номинал ЯИМ ҳажми бўйича лидерлик позициясини сақлаб турибди. Иккинчи ўринни турли даврларда муайян мамлакатлар, яъни, 1950–1971 йилларда собик Иттифок (ССМИ), 1972–1993 йилларда Япония, 1994 йилдан бошлаб Хитой Халқ Республикаси (ХХР) эгаллаб келишган.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг ЯИМ ҳажми бўйича рейтинги хусусидаги маълумотларни 1-жадвалда келтирдик.

Айтиш керакки, бугунги кунда ҳам иқтисодий жиҳатдан нисбатан ривожланган мамлакатларнинг ЯИМи бўйича бутунжаҳон рейтингда – АҚШ энг юқори поғонани эгаллаб келмоқда. 2018 йил маълумотлари бўйича Америка Қўшма Штатларининг номинал ялпи ички маҳсулоти - 21345 млрд. АҚШ доллариغا тенг бўлган бўлса, ХХРнинг ЯИМи 14217 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва у иккинчи поғонадан жой олди. Кейинги поғоналарни тартиб бўйича Япония (5176 млрд. АҚШ долл.), Германия (3964 млрд. АҚШ долл.), Ҳиндистон (2972 млрд. АҚШ долл.), Буюк Британия (2829 млрд. АҚШ долл.) ва Франция (2762 млрд. АҚШ долл.) мамлакатлари эгаллаганлар.

1-жадвал

**2018 йилда бутунжаҳон иқтисодиётидаги инсайдер мамлакатларнинг ЯИМ ҳажми<sup>1</sup>**

(млрд. АҚШ долл.)

| N/N       | Мамлакатлар       | ЯИМ ҳажми амалдаги баҳоларда | Мамлакатлар       | ЯИМ ҳажми ВХҚП бўйича |
|-----------|-------------------|------------------------------|-------------------|-----------------------|
| 1         | АҚШ               | 21345                        | ХХР               | 27331                 |
| 2         | ХХР               | 14217                        | АҚШ               | 21345                 |
| 3         | Япония            | 5176                         | Ҳиндистон         | 11468                 |
| 4         | Германия          | 3964                         | Япония            | 5750                  |
| 5         | Ҳиндистон         | 2972                         | Германия          | 4467                  |
| 6         | Буюк Британия     | 2829                         | Россия            | 4358                  |
| 7         | Франция           | 2762                         | Индонезия         | 3743                  |
| 8         | Италия            | 2026                         | Бразилия          | 3496                  |
| 9         | Бразилия          | 1960                         | Буюк Британия     | 3128                  |
| 10        | Канада            | 1739                         | Франция           | 3055                  |
| 11        | Жанубий Корея     | 1657                         | Мексика           | 2658                  |
| 12        | Россия            | 1610                         | Италия            | 2442                  |
| 13.       | Испания           | 1429                         | Туркия            | 2274                  |
| 14.       | Австралия         | 1417                         | Жанубий Корея     | 2230                  |
| 15.       | Мексика           | 1241                         | Испания           | 1938                  |
| 16        | Индонезия         | 1101                         | Саудия Арабистони | 1924                  |
| 17        | Нидерландия       | 914                          | Канада            | 1897                  |
| 18.       | Саудия Арабистони | 762                          | Эрон              | 1541                  |
| 19.       | Швейцария         | 708                          | Миср              | 1392                  |
| 20        | Туркия            | 706                          | Таиланд           | 1390                  |
| ...       |                   |                              |                   |                       |
| <b>87</b> | <b>Ўзбекистон</b> | <b>50.5</b>                  |                   |                       |

Манба: <sup>1</sup> The World Bank.

Бутундунё мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти номинал ҳажми бўйича рейтингининг 20 талигидан Жанубий ва Шимолий Америка қитъасидан мос равишда Бразилия (9-ўрин) ва Мексика (15-ўрин), Шарқий Осиёдан Жанубий Корея (12-ўрин), Жанубий-Шарқий Осиёдан Индонезия (16-ўрин) мамлакатлари жой олишган. Шунингдек, Австралия (14-ўрин) ўз қитъаси номидан бутундунё мамлакатларининг ЯИМ номинал ҳажми бўйича рейтинги 20 талигидан жой олган бўлса, МДХ мамлакатларидан фақат Россия Федерацияси (12-ўрин) бу гуруҳга кира олган.

Бутундунё мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти ҳажми бўйича рейтингининг 20 талиги валютанинг харид қилиш паритети бўйича ҳисобланганида умуман бошқа ҳолат кашф этилади.

2018 йил маълумотлари бўйича бутундунё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти ҳажми валютанинг харид қилиш паритети бўйича ҳисобланган рейтингда дастлабки ўринни ХХР эгаллади. Мазкур рейтингда АҚШ иккинчи ўринга жойлашди, Ҳиндистон эса муқим учинчи ўринга эга бўлди. Кучли ўнталикка Россия ва Индонезия мамлакатлари ҳам кирдилар.

Эрон, Миср ҳамда Таиланд бутундунё мамлакатларининг ВХҚП асосида ҳисобланган ялпи ички маҳсулоти ҳажми бўйича 20 та инсайдер мамлакатлар рейтингидан Австралия, Нидерландия ва Швейцария каби давлатларни сиқиб чиқардилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқоридаги рейтингдан жой эгаллаган давлатларнинг деярли барчаси валютанинг харид қилиш паритети асосида ҳисобланган *аҳоли жон бошига ЯИМ* кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг етакчи (инсайдер) мамлакатлари қаторига ҳам киритилмаган.

Биз 2005–2018 йилларда валютанинг харид қилиш паритети бўйича ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг инсайдер мамлакатлари рейтингини 2- жадвалда келтирдик.

Унга асосан 2005 йилда АҚШ валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича 6-ўринни эгаллаб, дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олган бўлса, 2018 йилда эса у кучли ўнталикка кира олмади. Шунингдек, мазкур ўнталикдан АҚШга қўшилиб Гонконг ҳам ўз ўрнини таҳлил қилинаётган давр охирида бўшатиб берди. Рейтингда улар ўрнини Бирлашган Араб Амирлиги (БАА) ва Швейцария эгаллади.

Шу билан бирга, 2005 йилда валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари рейтингда АҚШ кўрсаткичидан паст натижали давлатлар сони анчагина бўлса, 2018 йилда ўнликдаги барча қатнашчилар унинг натижаларидан устун кўрсаткичга эга бўлишди.

2005 йилда валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари рейтингда 70014 АҚШ доллари кўрсаткичи билан Люксембург дастлабки

ўринни эгаллаган бўлса, 2018 йил маълумотлари бўйича 129638 АҚШ доллари кўрсаткичи билан Қатар етакчилик қилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари рейтингида АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларининг гегемонлиги аста-секин йўқолиб бормоқда. Дунёнинг етакчи мамлакатлари рейтингида уларнинг ўрнини Қатар, Макао (ХХР), Сингапур, Бруней, БАА, Гонконг (ХХР) ва Қувайт каби давлатлар эгалламоқдалар.

Қайд этиш зарурки, 2005–2018 йилларда валютанинг харид қилиш паритети асосида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг инсайдер мамлакатлари рейтингида дифференциаллашув ортган.

2-жадвал

| 2005-2018 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг инсайдер мамлакатлари РЕЙТИНГИ <sup>2</sup> |               |             |         |               |             |         |
|---|---------------|-------------|---------|---------------|-------------|---------|
| N/N   | 2005 й.       |             |         | 2018 й.       |             |         |
|   | Мамлакатлар   | ВХҚП бўйича | АҚШ=100 | Мамлакатлар   | ВХҚП бўйича | АҚШ=100 |
| 1   | Люксембург    | 70014       | 168,0   | Қатар         | 129638      | 206,2   |
| 2   | Қатар         | 68749       | 165,0   | Макао (ХХР)   | 115913      | 184,4   |
| 3   | Норвегия      | 47551       | 114,1   | Люксембург    | 106372      | 169,2   |
| 4   | Бруней        | 47465       | 113,9   | Сингапур      | 101387      | 161,3   |
| 5   | Қувайт        | 44982       | 107,9   | Ирландия      | 79617       | 126,6   |
| 6   | АҚШ           | 41674       | 100,0   | Бруней        | 78350       | 124,6   |
| 7   | Сингапур      | 41478       | 99,5    | Норвегия      | 74357       | 118,3   |
| 8   | Ирландия      | 38058       | 91,3    | БАА           | 69222       | 110,1   |
| 9   | Макао (ХХР)   | 37159       | 89,4    | Қувайт        | 66652       | 106,0   |
| 10  | Гонконг (ХХР) | 35680       | 85,6    | Швейцария     | 65010       | 103,4   |
| 11  |               |             |         | Гонконг (ХХР) | 64199       | 102,1   |
| 12  |               |             |         | АҚШ           | 62869       | 100,0   |

Манба: <sup>2</sup>

[https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A1%D0%BF%D0%B8%D1%81%D0%BE%D0%BA\\_%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B0%D0%BD\\_%D0%BF%D0%BE\\_%D0%92%D0%92%D0%9F\\_\(%D0%9F%D0%9F%D0%A1\)\\_%D0%BD%D0%B0\\_%D0%B4%D1%83%D1%88%D1%83\\_%D0%BD%D0%B0%D1%81%D0%B5%D0%BB%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D1%8F](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A1%D0%BF%D0%B8%D1%81%D0%BE%D0%BA_%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B0%D0%BD_%D0%BF%D0%BE_%D0%92%D0%92%D0%9F_(%D0%9F%D0%9F%D0%A1)_%D0%BD%D0%B0_%D0%B4%D1%83%D1%88%D1%83_%D0%BD%D0%B0%D1%81%D0%B5%D0%BB%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D1%8F)



Агар 2005 йилда валютанинг харид қилиш паритети асосида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича инсайдер мамлакатларнинг АҚШ кўрсаткичига нисбатан аниқланган индикаторлари ўртасидаги тафовут, яъни вариация кенглиги 82.4 фоиз пунктига тенг бўлса, 2018 йилда у 102.8 фоизни ташкил этди. Таҳлил қилинаётган даврда аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг инсайдер мамлакатлари рейтингда дифференциаллашув ортганлигини 3-жадвалда келтирилган бошқа бир қанча кўрсаткичлар орқали ҳам кўришимиз мумкин.

| <b>3-жадвал</b>  |             |                                   |   |             |                                   |   |
|--|-------------|-----------------------------------|---|-------------|-----------------------------------|---|
| <b>2005-2018 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг инсайдер мамлакатлари ўртасида дифференциаллашув даражасини аниқлашга доир ҳисоб-китоблар<sup>3</sup></b> |             |                                   |   |             |                                   |   |
|  | <b>2005</b> |                                   |   | <b>2018</b> |                                   |   |
|  | <b>X</b>    | <b>(X - <math>\bar{X}</math>)</b> | <b>(X - <math>\bar{X}</math>)<sup>2</sup></b> | <b>X</b>    | <b>(X - <math>\bar{X}</math>)</b> | <b>(X - <math>\bar{X}</math>)<sup>2</sup></b> |
| 1  | 0,510       | -0,284                            | 0,081   | 0,501       | -0,274                            | 0,075   |
| 2  | 0,519       | -0,275                            | 0,076   | 0,561       | -0,214                            | 0,046   |
| 3  | 0,750       | -0,043                            | 0,002   | 0,611       | -0,164                            | 0,027   |
| 4  | 0,752       | -0,042                            | 0,002   | 0,641       | -0,134                            | 0,018   |
| 5  | 0,793       | -0,001                            | 0,000   | 0,817       | 0,042                             | 0,002   |
| 6  | 0,856       | 0,062                             | 0,004   | 0,830       | 0,055                             | 0,003   |
| 7  | 0,860       | 0,066                             | 0,004   | 0,874       | 0,099                             | 0,010   |
| 8  | 0,938       | 0,144                             | 0,021   | 0,939       | 0,164                             | 0,027   |
| 9  | 0,960       | 0,166                             | 0,028   | 0,975       | 0,200                             | 0,040   |
| 10   | 1,000       | 0,206                             | 0,043   | 1,000       | 0,225                             | 0,051   |
| Жами   |             | -                                 | 0,259   |             | -                                 | 0,298   |
| X ўргача   | 0,794       |                                   |   | 0,775       |                                   |   |
| Дисперсия  |             |                                   | 0,509   |             |                                   | 0,546   |

2018 йилда жаҳоннинг инсайдер мамлакатлари бўйича валютанинг харид қилиш паритети бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичлари асосида ҳисобланган дисперсия 0,546 га тенг бўлиб, у 2005 йилдаги индикаторга нисбатан (0,509) юқорироқ натижани ҳамда рейтингда дифференциаллашувнинг ортганлигини кўрсатмоқда.

Бутундунё ҳамжамиятидаги ҳудудий бирикмалар ичида МДХ мамлакатларининг ривожланиш даражаси ва жаҳон иқтисодиётидаги ўрни хусусидаги ҳолатларни тадқиқ этиш биз учун аҳамиятли ҳисобланади.

Халқаро Валюта Фонди томонидан 2018 йил маълумотлари асосида валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича шакллантирилган МДХ рейтингда Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси инсайдер мамлакатлар сифатида келтирилган (4-жадвал).

Манба: <sup>3</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари

Россия ва Қозоғистоннинг валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМи ҳажми тартиб бўйича 28797 ва 27660 АҚШ долларига тенг бўлиб, улар бутундунё ЯИМининг ўртача кўрсаткичига нисбатан 171,6 ва 164,8 % ни ташкил этди ва жаҳон рейтингда мос равишда 50 ва 53-ўринларни эгалладилар.

**4-жадвал**

**2018 йилда валютанинг харид қилиш паритети асосида аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича МДХ мамлакатларининг РЕЙТИНГИ<sup>4</sup>**

| N/N | Мамлакатлар  | ВХҚП бўйича ЯИМ | Мамлакатларнинг жаҳон бўйича рейтинги | АҚШ=100, %да | Бутундунё ЯИМнинг ўртача кўрсаткичига нисбатан, %да |
|-----|--------------|-----------------|---------------------------------------|--------------|---|
| 1   | Россия       | 28797           | 50                                    | 45,8         | 171,6   |
| 2   | Қозоғистон   | 27660           | 53                                    | 44,0         | 164,8   |
| 3   | Белорусь     | 19941           | 65                                    | 31,7         | 118,8   |
| 4   | Туркманистон | 19518           | 66                                    | 31,0         | 116,3   |
| 5   | Озарбайжон   | 18023           | 74                                    | 28,7         | 107,4   |
| 6   | Гуржистон    | 11429           | 103                                   | 18,2         | 68,1  |
| 7   | Арманистон   | 10273           | 108                                   | 16,3         | 61,2  |
| 8   | Украина      | 9287            | 112                                   | 14,8         | 55,3  |
| 9   | Ўзбекистон   | 8498            | 118                                   | 13,5         | 50,6  |
| 10  | Молдова      | 7307            | 128                                   | 11,6         | 43,5  |
| 11  | Қирғизистон  | 3922            | 146                                   | 6,2          | 23,4  |
| 12  | Тожикистон   | 3427            | 154                                   | 5,5          | 20,4  |

Валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича МДХ мамлакатлари рейтингда Беларусь, Туркманистон, Озарбайжон Республикалари нисбатан яхши кўрсаткичга эга бўлган мамлакатлар сифатида иккинчи гуруҳдан жой олишди. Айтиш жоизки, Беларусь, Туркманистон, Озарбайжон Республикалари биринчидан, валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича жаҳон рейтингининг 100 талигидан жой олган бўлсалар, иккинчидан, ВХҚП бўйича жаҳон аҳолиси жон бошига ўртача ЯИМ кўрсаткичидан юқориқ натижага эга бўлишди.

Валютанинг харид қилиш паритети бўйича жаҳон аҳолиси жон бошига ўртача ЯИМ кўрсаткичининг 40–99% лик чегараси (диапазон) доирасидаги микдорларга эга бўлган МДХ мамлакатлари учинчи гуруҳга киритилди. Мазкур гуруҳдан Гуржистон, Арманистон, Украина, Ўзбекистон ва Молдова

Манба: <sup>4</sup> IMF.

Республикалари ўрин эгаллаб, улар мос равишда ВХҚП бўйича жаҳон аҳолиси жон бошига ўртача ЯИМнинг 68.1, 61.2, 55.3, 50.6 ва 43.5 % га тенг кўрсаткичларини қайд этишди.

Валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича шакллантирилган МДХ рейтингида Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари аутсайдер мамлакатлар сифатида жой эгаллашган. Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари мос равишда ВХҚП бўйича жаҳон аҳолиси жон бошига ўртача ЯИМнинг 23.4 ва 20.4 % га тенг кўрсаткичларга эга бўлиб, тартиб бўйича жаҳон рейтингида 146 ва 154-ўринларни эгаллашди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи хусусида фикр билдирмоқчи бўлсак, унда мамлакатимиз 2018 йил маълумотлари асосида Жаҳон банки томонидан 200 та давлат бўйича тузилган бутундунё давлатларининг номинал ЯИМ ҳажми рейтингида 87-ўринни эгаллади. Қайд этиш жоизки, 2018 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 406.6 трлн. сўм (2019 йилда 511.8 трлн. сўм) ёки 50.5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва мазкур қиймат мамлакатнинг йиллик якуний маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари ҳамда даромадлари ҳажминини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта фондининг 2018 йил маълумотлари бўйича валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича рейтингида 118 ўринни, Жаҳон банки рейтингида эса 126- ўринни эгаллаган. У ВХҚП бўйича жаҳон аҳолиси жон бошига ўртача ЯИМнинг ярмига тенг (50.6 %) бўлган кўрсаткичга эга бўлиб, АҚШ индикаторига нисбатан бор йўғи 13.5 %ни ташкил этди, холос.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси индикаторларига нисбатан мос равишда 3.39 ва 3.26 марта пастдир.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаб турган ўрни ҳам, аҳолининг турмуш даражасини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар натижалари ҳам, бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида нуфузини ҳамда валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича жаҳон рейтингида салмоғини ошириш учун яқин келажакда куйидаги натижаларга эришиш лозим бўлади:

биринчидан, Ўзбекистон аҳолиси жон бошига ЯИМ кўрсаткичи миқдорининг доимий йириклашишига эришиши учун аҳолисининг кўпайиши суръатларидан ЯИМ ўсиш суръатларининг юқорилигини таъминлаш талаб этилади;

иккинчидан, МДХ рейтингда инсайдер мамлакатлар билан Ўзбекистон ўртасида дифференциялашувни қисқартириш учун валютанинг харид қилиш паритети негизида ҳисобланган Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси аҳолиси жон бошига ЯИМ кўрсаткичлари суръатларига нисбатан мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришиш зарур бўлади.

Кўришиб турибдики, юқоридаги муаммоларнинг ечими Ўзбекистонда юқори суръатларга эга иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳисобланади. Бу эса, яқин ўн йилликда мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъмин этиш учун Ўзбекистон Республикасининг мавжуд салоҳияти ҳамда барча ресурс ва имкониятларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Назаримизда, мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъмин этиш учун яқин истиқболда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, меҳнат ресурслари кўп ҳамда капитал маблағлар танқислиги кузатилган мамлакатларнинг ривожланиш борасидаги тажрибаси шуни кўрсатадики, улар дастлабки даврда мавжуд хомашё ва ресурслар асосида миллий иқтисодиётда меҳнатталаб ишлаб чиқариш тармоқларини тараққий эттирганлар. Бу биринчидан, салоҳият сифатида меҳнат ресурсларини миллий ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилиш имконини берган бўлса, иккинчидан, нисбатан кам иш ҳақи тўланиши негизида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи паст бўлиши негизида, унинг бозорда рақобатбардошлиги таъмин этилган.

Халқаро ташкилотлар экспертлари фикрича, узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда иш ўринларини шакллантириш меҳнат бозорига кириб келаётган ресурслар сонига нисбатан анча паст бўлиб келган. Натижада мамлакат меҳнат бозорида босим ошиб борган, талаб ва таклиф ўртасида мувозанат бузилган, ўз ўрнида меҳнат ресурсларининг ташқи миграцияси кўпайган. 2020 йилнинг 1 январь ҳолатида Ўзбекистон аҳолиси 34023 минг киши бўлиб, унинг 56.5 %и (19200 минг киши) меҳнат ресурси ҳисобланади. Меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаол қисми 14641,7 минг киши, бевосита иш фаолиятини юритувчилар 13273,1 минг кишини ташкил этади.

Халқаро ташкилотлар маълумотлари бўйича ташқи меҳнат миграциясида бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларининг сони 2 млн. кишига тенгдир.<sup>5</sup>

Коронавирус “COVID-19” пандемияси туфайли, ташқи меҳнат миграциясидаги иш ўринларини йўқотганлар ҳамда улғайиб, меҳнат ресурслари таркибига кириб келаётган ёшларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш учун янги иш ўринларини шакллантириш бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқарув тизимининг бирламчи вазифалари қаторидан жой олади. Миллий иқтисодиётда янги иш ўринларини шакллантириш

---

Манба: <sup>5</sup> <http://nsdg.stat.uz/goal/11>

негизида меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этиш ЯИМ ҳажми ҳамда иқтисодий ўсиш суръатлари ортишига замин яратади;

иккинчидан, хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, юқори иқтисодий ўсиш кузатилган мамлакатлар иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми салмоқли улушга эга бўлган. Масалан, XIX асрнинг 80-йилларида узоқ вақт давомида 10 %дан юқори иқтисодий ўсиш суръатларини намоиш этган “янги индустриал мамлакатлар” номи билан донг таратган Сингапур, Гонконг, Тайван, Малайзия, Таиланд ва Жанубий Корея давлатлари миллий иқтисодиётларига киритилган инвестициялар ҳажми ЯИМ нисбатан 40–45 %ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси ҳам юқори инвестицион салоҳиятга эга. 2010–2018 йилларда Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган маблағлар ҳажмининг ЯИМдаги салмоғи ўртача 22.4 %га тенг бўлди. 2018 йил маълумотлари бўйича эса у 30,5%ни ташкил этди. Мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестициялар 2–3 йиллик оралиқ давр билан ўз самарасини ялпи ички маҳсулот ҳажми суръатларининг (иқтисодий ўсишида) ортишида намоён этишини назарда тутсак, бундан кейинги даврда капитал маблағлар ҳажмини ЯИМ нисбатан 30 % лик чегарадан паст бўлмаслигини таъмин этиш лозим бўлади;

учинчидан, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатнинг хусусиятидан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни ўз вақтида ва тўғри танланган йўналиш бўйича амалга оширганликлари, улар эришган муваффақиятлар натижаларининг гаровидир.

Шундай экан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси доирасида белгилаб олинган устувор йўналишлар негизида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш истиқболда юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш имконини яратади. Назаримизда, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар барча тармоқларни тараққий эттириш билан бирга қайта ишлаш саноати, ахборот коммуникация тизими ҳамда транспорт-логистика соҳаларини ривожлантиришга устуворлик берилиши негизида амалга ошиши мақсадга мувофиқ. Айнан таркибий сиёсат доирасида инвестициялар тақсимотининг амалга ошиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардош тузилмаси шаклланишига асос бўлади;

тўртинчидан, иқтисодчи олимлар ва экспертлар фикрича, дунё мамлакатларининг аксариятида юқори иқтисодий ўсишга эришиш, уларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви негизида ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш ҳисобида амалга ошган. Мазкур мақола муаллифи томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 2010–2018 йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга (товар ва хизматларга) якуний ички талаб ўртача 79.56 %ни, ташқи талаб 20.44%ни ташкил этди. Экспорт товарлари таркибида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулоти,

хомашё ва углеводород ресурсларининг салмоғи юқори. Таҳлил этилаётган даврда экспортнинг географияси нисбатан кенгайган бўлса-да ва диверсификацияси даражаси пасайган.

Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада ошириш учун хорижга чиқарилаётган маҳсулотлар (товар ва хизматлар) диверсификациясига эришиш, уларнинг мамлакатлар бўйича концентрациялашувини пасайтириш ва географиясини кенгайтириш, қайта ишланганлик ва қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган маҳсулотлар экспорти салмоғини ошириш миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишини ва иқтисодий ўсиш суръатининг ортишини таъмин этади;

бешинчидан, халқаро ташкилотлар экспертлари фикрича, мамлакатда бошқарув институтлари ва бозор инфратузилмасининг тараққиёт даражаси миллий иқтисодиёт барқарор ривожланишининг замини ҳисобланади. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг замонавий босқичида миллий иқтисодиётда чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиши, айнан мамлакатимизда бошқарув институтлари ва бозор инфратузилмасининг бугунги тараққиёти билан ўзаро боғлиқ. Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилган ислоҳотлар, хусусан, пул-кредит ва молия соҳалари, солиқ-бюджет тизими ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар ўз самарасини бермоқда ва албатта уларнинг натижалари ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий кўринишида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, қайд этиш лозимки, Ўзбекистоннинг бир қанча йўналишлар бўйича халқаро рейтингларда эгаллаб турган ўрнини янада ошириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар яқин келажакда унинг халқаро ҳамжамятда нуфузини оширишга хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтиш жоизки, миллий иқтисодиётни қайта қуриш ва модернизациялаштириш, унинг таркибини такомиллаштириш ҳамда уни бошқариш билан боғлиқ тизимда ислоҳотларни амалга ошириш мамлакатнинг бошқарув тизимини тартибга солишнинг самарали механизмларини қўллаш, саноатда самарадорликни ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имконини беради. Бу, ўз ўрнида, Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда, хусусан, дунё мамлакатларининг ЯИМ ҳажми ва аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бўйича қиёсий таҳлилларда муносиб ўринни эгаллашига замин яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аъзам С. Проблемы и возможности дальнейшего расширения экспорта Республики Узбекистан. // Вопросы статистики. 2018 № 2 стр. 57-65.
2. Доклад Всемирного банка о Программе международных сопоставлений.// <https://undocs.org/ru/E/CN.3/2019/14>
3. Мик Силвер. Оценки ППС: применение Международным валютным фондом. В книге «Оценка размера мировой экономики»// <http://www.cisstat.com/icp/rez.htm>
4. Пол Маккарти. Национальные счета как основа для международных сопоставлений: процесс оценки ВВП и его компонентов. В книге «Оценка размера мировой экономики»// <http://www.cisstat.com/icp/rez.htm>
5. Сергеев С. Методология и организация Программы международных сопоставлений ООН 2011(глобальное сопоставление ВВП на основе паритетов покупательной способности валют) (Statistics Austria; TAG ICP)
6. World Economic Outlook: Global Manufacturing Downturn, Rising Trade Barriers. International Monetary Fund, Publication Services, P.O. Box 92780, Washington, DC 20090, U.S.A.